

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИНИ ВЕНЧУР КАПИТАЛИ ОРҚАЛИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

Салимов Шерзод Бахтиёрович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети фалсафа доктори (PhD)

Тошкент, Ўзбекистон. sherzodsalimovb@gmail.com

Аннотация

Президентимизнинг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида кўра тасдиқланган стратегияда иқтисодиётда тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш, айниқса кичик бизнес корхоналарини инновацион ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини ва турмуш фаровонлигини ошириш ётади.

Калит сузлар: молия, инновация, дастур, тараққиёт стратегияси, венчур, инвестиция, венчур капитали, венчур фондлари, кичик корхоналар, ривожланиш, фонд, инфратузилма, ресурс.

Аннотация

В статье освещены роль и значение Программы развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы, стратегия направлена на поддержку предпринимательства в экономике, особенно на повышение занятости и благосостояния населения за счет инновационного развития предприятий малого бизнеса.

Ключевые слова: финансы, инновации, программа, стратегия развития, венчур, инвестиции, венчурный капитал, венчурные фонды, малый бизнес, развитие, фонд, инфраструктура, ресурс.

Abstract: The article highlights the role and significance of the Development Program of the new Uzbekistan for 2022-2026, the strategy is aimed at supporting entrepreneurship in the economy, especially at increasing employment and welfare of the population through the innovative development of small businesses.

Key words: finance, innovation, program, development strategy, venture, investments, venture capital, venture funds, small business, development, fund, infrastructure, resource.

Кириш

Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармонида кўра тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси дастури жами 7 та устувор йўналиш ва 100 та аниқ мақсадни ўз ичига олган ва бу мақсадларга эришиш механизмлари ҳам дастурда аниқ кўрсатилган.

Турмуш фаровонлигини ошиши бу товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни ошиши, уларнинг истеъмолини ошиши, таълим ва тиббиёт сифати ошиши билан белгиланади. Аҳолининг турмуш фаровонлигини билдирувчи агрегат кўрсаткичлардан бири ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳисобланади. ЯИМнинг ўсиш суръати аҳолининг ўсиш суръатидан қанча юқори бўлса, аҳолининг турмуш даражаси ҳам шунча юқори бўлади. Иккинчи йирик кўрсаткич – аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, бу кўрсаткичнинг ўсиши ҳам аҳолининг турмуш даражаси ошишига олиб келади. Яна бир муҳим кўрсаткич аҳолининг реал даромадлари ортишидир.

Тараққиёт стратегиясида келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ЯИМни 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш масаласининг қўйилиши тараққиёт дастурининг инсонга, мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини оширишга қаратилганлигини яққол билдиради ва бу келажакда оилаларнинг бюджетини ошишига олиб келади. Аҳоли даромадининг ортиши унинг билим олиш, айниқса, ёшларнинг билим олиши, маънавий ўсиши, спорт билан шуғулланиши ва бошқа имкониятларини кенгайтиради, пировардида эса инсон капиталининг ривожланишига замин яратади.

Тараққиёт стратегиясида иқтисодиётда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, айниқса кичик бизнес корхоналарини инновацион ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини ва турмуш фаровонлигини ошириш ётади. Ҳақиқатан ҳам, иқтисодиётнинг ривожланиши, пировардида, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошишига олиб келиши билан баҳоланади.

Молиявий маблағлар олинadиган манбалар инновацион фаолиятни молиялаштирувчи субъектлар ҳисобланади, тушадиган маблағлар молиявий ҳисобда тўпланади ва инновацион лойиҳаларга қўйилади, фойдаланиладиган инвестицияларни назорат қилиш уларни қайтариш ва жалб қилинган капиталдан инновацион фаолиятда фойдаланишнинг самарадорлиги баҳоланади.

Инновацион инфратузилмани ташкил этиш ва унинг яхши ишлаши ҳамда ривожланишини молиявий таъминотсиз таъминлаб бўлмайди, чунки молиявий ресурс инновацион инфратузилманинг бош омили ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар

Жаҳон тажрибасида инновацион инфратузилманинг муҳим элементларидан бири венчур капитали ҳисобланади.

Венчур капитали (инглизча “venture” – риск билан боғлиқ корхоналар ёки янги бошланган иш) рискли, узоқ муддатли капитал бўлиб, янги ва тез ривожланаётган компанияларга, кўп ҳолларда инновацион лойиҳаларни амалга оширадиган кичик юқори технологик корхоналарга инвестиция киритади.

Венчур фондининг қатнашчилари бўлиб (таъсисчилар, инвесторлар) банклар, йирик корпорациялар, пенсия жамғармалари, суғурта компаниялари ва

хусусий шахслар ҳисобланади. Қатнашчилар шерикликни таъсис этиш учун 10 йилга келишув тузади. Уни кейинчалик яна 3 йилга чўзиш мумкин. Муддати тугагандан кейин фонд ўзининг фаолиятини тўхтатади.

Венчур фондининг стратегияси – устувор йўналишларни танлаб, маблағ киритиш. Венчур фондининг инвестиция киритиш объекти бўлиб номоддий активга эга бўлган (ноёб технология, патент ва ноу-хауга эга бўлган) ва уни моддийлаштириш келажакда катта фойда келтирадиган, компанияни бирор соҳада лидер бўлишига олиб келадиган ва бозорнинг маълум бир улушини эгаллайдиган корхона бўлиши мумкин.

Венчур фонди бизнесга инвестиция киритиб, унинг маълум бир улушига эга бўлади (устав капиталига ўз улушини киритади ёки компания акциясини олади ва кейинчалик уни сотади).

Венчур капитали фирма лойиҳасини босқичма-босқич, ҳар бир кейинги босқичнинг амалга ошишини баҳолаб молиялаштиради, акс ҳолда у молиялаштиришни тўхтатиши мумкин.

Венчур молиялаштириш венчур бизнесининг асоси ҳисобланади. Венчур бизнеси деганда, инвестицион фаолият билан шуғулланувчи компаниянинг инвестиция кўйишга йўналтирилган тадбиркорлик фаолияти тушунилади.

Венчур капиталини расмий ва норасмий секторга ажратиш мумкин. Венчур капиталининг расмий сектори малакали бошқариладиган институционал инвестицион компания бўлиб, инновацион компанияларнинг охириги ривожланиш босқичларида инвестиция билан таъминлайди: венчур капитали фирмалари ва фондлар, пенсия жамғармаси, миллий ва тижорат банклари, фан-техника соҳасида ишлайдиган кичик корхоналарни қўллаб-қувватловчи ихтисослашган фондлар ва ҳоказо.

Норасмий венчур капитали сектори инновацион корхоналарнинг бошланғич ривожланиш босқичида инвестициялайдиган хусусий инвесторлар ва инновацион корхоналарга бошқариш, маркетинг стратегияси, алоқалар ўрнатиш, бизнес-режа тузиш ва бошқа хизматлар комплексини кўрсатувчи ихтисослашган институтлар: жисмоний шахслар, бизнес-ангеллар, бизнес-инкубаторлар, технопарклар, технополислар, олий таълим муассасалари, инвестицион фаолият олиб боровчи юридик шахслар ва эндаумент фондлар (хомийларнинг хайриялари).

Расмий ва норасмий секторлар бир-бирини тўлдиради. Норасмий сектор капитали “Старт” фирмаларнинг бошланғич ривожланиш босқичида изланишларни тугатиш, илмий ғояларни тажриба маҳсулотига айлантириш даврида фирмаларнинг бошланғич капиталга эҳтиёжи катта бўлган даврда жуда зарур ҳисобланади. Расмий сектор фирманинг охириги инновацион ривожланиш босқичларида ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун зарур бўлган капитални таъминлашда фаол ҳаракат қилади. АҚШда кўпроқ расмий сектор венчур

капитали бозорига қарашли “венчур капитал фирмалари (фондлари)” фаолият кўрсатади. Булар, асосан, тижорат молия ташкилотлари бўлиб, уларнинг асосий мақсади – молиявий ҳисобларида маблағларни йиғиш ва фойда олиш мақсадида ишончли бўлган инновацион лойиҳаларни инвестициялаш.

Ўзбекистон шароитида венчур бизнеси яхши ривожланмаган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 3 ноябрдаги 684-сонли қарорига кўра, “UzVe” миллий венчур фонди ташкил қилинган. Фонднинг устав капитали 15 млрд.сўмни ташкил қилади. Фонд инновацион ғоялар ва экотуризм стартапларини қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини яратиш мақсадида тузилган. Фонд масъулияти чекланган жамият шаклида очилган ва у юридик ва жисмоний шахсларнинг венчур лойиҳаларини молиялаштиради, бунда хорижий ҳамкорларнинг қатнашиши ҳам кўзда тутилган. Малакали мутахассис кадрларнинг етишмаслиги, молиявий ташкилотларнинг бу соҳада тажрибасининг етишмаслиги, мамлакатимизда бизнес-ангелларнинг йўқлиги венчур бизнесининг ривожланишига катта тўсиқ бўлмоқда. Шу сабабли венчур фондига хорижий малакали мутахассисларни жалб қилишга катта аҳамият берилмоқда.

Венчур капитали ўзига хос хусусиятларга эга:

- узоқ муддатли молиялаштириш;
- банкротликка учрамайди;
- риск инновацион корхона билан венчур капитали ўртасида тақсимланади;
- гаровга ҳеч нарса қўйилмайди;
- инновацион корхона фойдасининг маълум бир улушини инвестор олади.

Жаҳон тажрибасида (асосан, АҚШ ва Англияда) венчур капиталининг ўртача қиймати 50 млн. долл.ни ташкил қилади. Венчур фондларининг кўпчилиги масъулияти чекланган жамият шаклида барпо этилади (limited partnership). Венчур капиталини барпо этишнинг шу шакли қулай ҳисобланади. Масъулияти чекланган шериклик ва умумий шерикликдан иборат. Биринчиси – шериклик фаолиятида фақат ўзининг капитали билан қатнашади холос, бошқарувда қатнашмайди, шерикликнинг ишида ҳеч қандай масъулиятга эга эмас..

Россия Федерациясидаги очик акционерлик жамияти – ОАО “Альянс РОСНО” бошқарув компаниясининг инвестиция қўйиладиган корхоналарга қўядиган талаблари қуйидагилардан иборат ташкилий шакли – очик акционерлик жамияти:

- асосий фаолияти – илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари, ихтиролар, фан-техника соҳасидаги такомиллаштирилган маҳсулотлар ва инновацияларни жорий қилиш ва тижоратлаштириш;

- лойиҳанинг мавжудлиги ва уни амалга ошириш режаси расмийлаштирилган бизнес-режа кўринишида бўлиши;
- патентлар, муаллифлик ҳуқуқи, интеллектуал мулк эгаси ёки илмий-техник фаолият натижаларига мулк эгаси ҳуқуқини олиш имконияти мавжудлиги;
- лойиҳани амалга ошириш имконияти – 6 йилгача;
- лойиҳа эгасининг венчур фонди билан шерикликда ишлашга тайёрлиги, фонднинг корхонанинг акционерлик капиталида қатнашиши (фонд назорат пакети ёки блокировка пакетини олади);
- лойиҳанинг молиявий самараси – 70% IRRдан кам бўлмаслиги.

Хулоса ва таклифлар

Умуман, хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, инновацион кичик корхоналарни молиялаштиришда бизнес-ангелларнинг қатнашиши муҳим аҳамият касб этади. Бизнес-ангеллар кўп ҳолларда фан ёки технологик бизнесда катта тажрибага эга. Одатда, улар аниқ бир соҳада эксперт ҳисобланади ва шу йўналишга ўз маблағини кўяди. Бундай бизнес-ангеллар нафақат маблағини инвестицияга кўяди, балки ўзининг тажрибаси, билими, бизнес алоқаларини ҳам кўяди ва бу лойиҳанинг муваффақиятга эришиш имкониятларини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Salimov, Sh B. (2021) "Using simulation innovation in the development of small and medium-sized businesses." *Economics and Innovative Technologies* 2021.2 (2021): 8.
2. Салимов, Ш. (2020). “Ривожланган давлатларда ва ўзбекистонда тадбиркорлик турлари ва уларни аниқлаш мезонлари.”, *Экономика и инновационные технологии*, (3), 187–201. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11635
3. Salimov, S. (2021). “Innovative development of small business support infrastructure.” *International Finance and Accounting*, 2021(4), 29.
4. Мусахонзода Икромжон Собирхон ўғли. (2023). Молиявий натижаларда шакллантиришда трансакцион харажатлар, муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. *Образование наука и инновационные идеи в мире*, 13(7), 30–35. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2780>
5. Musahonzoda, I. (2019). About organization of additional vocational training of accountants. *Humanitarian and SocioEconomic Sciences Journal*, (2), 30-34. https://www.elibrary.ru/download/elibrary_38230413_58575723.pdf
6. M.S.Tulayev, V.P.Qlichev, (2022). *Moliyaviy hisob. (Darslik)*. ISBN 978-9943-8915-9-3, УОЎК: 657(075.8)
7. Назарова Муслима Назаровна. (2022). Нобанк кредит ташкилотларининг ҳуқуқий асослари. *Journal of New Century Innovations*, 10(2), 48–54. <http://www.newjournal.org/index.php/new/article/view/985>
8. Мусахонзода, И. (2022). Корхоналар молиявий натижаларини бошқариш тизими ва уни ҳозирги ислохотлар шароитида такомиллаштиришнинг

[зарурлиги. Архив научных исследований, 2\(1\). извлечено от http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1969](http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1969)

9. Қличев Б.П. (2022). Истеъмолчи манфаатлари асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари таҳлили. “Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар”, ISSN: 2181-0567, 4 (20)-сон, 170-175, УЎК: 338.4 (575.1) <https://ifmr.uz/journals/18>
10. Тулаев, М. С., & Кличев, Б. П. (2022). Вопросы совершенствование учета корпоративных облигации: обязательство или капитал. In Учет, анализ и аудит: их возможности и направления эволюции (pp. 146-154).
11. Адашалиев, Б. (2022). Ўзбекистонда корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий ҳисоботининг халқаро стандартларига ўтишининг долзарб масалалари. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1127>
12. ХУДОЁРОВ О.О. (2023). Банк тизимини рақамлаштириш шароитида рақамламли банк технологиларини жорий қилиш. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 99–107. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2788>
13. Klichev, B.P., Tulaev, M.S. (2021). Issues of development of the analysis of business activity in joint-stock companies of Uzbekistan. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 11, November 2021, 584-591 <https://doi.org/10.5958/2249-7137.2021.02539.8>
14. Фарходовна Ирода Урманбекова. (2023). Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида электр энергия ишлаб чиқарувчи корхоналарда харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг мақсад ва вазифалари. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 91–98. retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2787>
15. Салимов Шерзод Бахтиёрович. (2023). Ўзбекистон стратегик мақсадлар сари ривожланишда. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 60–71, retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2784>
16. О. Бозорова. (2023). Давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш йўналишлари. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 24–29. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2779>
17. Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилининг такомиллаштириш масалалари. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(01), 170 – 173, <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
18. Тулаев, М. (2021). Аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувини ташкил қилиш масалалари. Архив научных исследований, 1(1).
19. Yuldashev, J. A. (2022). Mechanisms of Customer Attraction Based on Marketing Strategies in Commercial Banks. EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 2(10), 25–32. Retrieved from <http://www.inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/1313>
20. Юлдашев, Ж. (2021). Совершенствование методики оценки состояния отношений с клиентами в коммерческих банках. Экономика и

- инновационные технологии, (3), 233–244. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11885
21. Тулаев, М. (2021). Разработка методики определения уровня существенности в аудите. Экономика и инновационные технологии, (5), 52–60. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12137
22. Назарова Муслима Назаровна. (2023). Ломбардлар фаолиятининг замонавий ҳолати таҳлили. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 50–59. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2783>
23. СУЛТАНОВ, М., & АДАШАЛИЕВ, Б. В. (2021). Фонд бозори савдолари фаоллигини оширишда молиявий саводхонликнинг ўрни. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/384>
24. Nazarova, M. N. (2023). Legal Framework for Microcredit Organizations in the Republic of Uzbekistan and Analysis of Their Current State. Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN, 2249(0892). http://www.ajtmr.com/papers/Vol12Issue2/Vol12Iss2_P4.pdf
25. Урманбекова, И. Ф. (2023). Электр энергияси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва унинг муқобил манбаларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш йўллари. O‘zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 2(15), 317-322.
26. Салимов, Ш. (2021). Технопарк – фактор инновационного развития малого и среднего бизнеса. Экономика и инновационные технологии, (3), 106–115. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11872
27. Қличев Бахтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 42–49. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>
28. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI).Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587- 4593.- <https://www.tojqi.net/index.php/journal/article/view/4494>
29. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>
30. Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823
31. О.О.Худоёров (2022). ҲАЛҚАРО ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЙЎЛИДАГИ ТАЖРИБАЛАРИ. Newjournal.org часть №6 ст.51. <http://www.newjournal.org/index.php/new/article/view/994/847>

32. Ойбек Одилович Худоёров. (2016) The role of internal audit and internal control in banking sector. Молодой ученый. часть №9. ст 739-742. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=25964274>
33. О.Худойоров (2017). Importance of credit risk management in banks. Экономика и бизнес: теория и практика. часть №5. 242-244. <https://cyberleninka.ru/article/n/importance-of-credit-risk-management-in-banks>
34. Ф.Қ.Бобохўжаева. (2022). Банкларнинг иқтисодий ривожланишида маркетингнинг ўзига хос муҳим жihatлари. Eurasian journal of law, finance and applied sciences, 2(13), 156–159. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7466722>
35. Ф.Қ.Бобохўжаева. (2023). Банк ва мижоз ўртасидаги иқтисодий муносабатларда маркетингнинг ўрни ва ахамияти. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 121–127. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2790>
36. Бозорова, О. (2022). Корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг ахамияти. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1084>
37. Тулаев Мирзакул Саламович. (2023). Ижара олинган асосий воситалар хисоби – молиявий фаолиятни молиялаштириш манбаси. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 3–15. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2777>
38. Бозорова, О. (2022). Баланс ликвидлигини таҳлили. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1355>